



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 4-iyul. Shanba • 77 (31.980)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

## ХИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модӣ 2015 йил 6-7 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама қилинади.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатларро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



## «ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» КЛУБИ фаолиятини янада жонлантириш зарур

Файрат-шижоат, эзгу орзулар билан яшаш, янги ташаббус ва таклифларни кўтариб чиқиш ёшларга хос фазилат. Эътиборлиси, кейинги йилларда партиямиз сафи ана шундай хислатларга эга бўлган йигит-қизлар билан кенгайиб бораётти. ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашида «Ёш сиёсат-

чилар» клубининг янги координаторини сайлашга бағишланган йиғилишда ҳам бу яққол кўзга ташланди. Тадбир аввалида ёшлар ўртасида қизгин суҳбатга гувоҳ бўлдик.

▶ Давоми 2-бетда.

## МУНОСАБАТ

## Президент билан учрашувлар

қашқадарёликларни янги  
марралар, буюк  
бунёдкорликлар сари  
руҳлантирмоқда

Хисор тизма тоғларининг қор босиб ётган чўққиларидан сув ичадиган Фузор тумани даштларидан ўтгач, ям-яшил дарахтлар еуч ўсган зангори кенгликларга етиб келинади. Бу — қадимий ва навқирон Қарши шаҳри.

Қаршига кириб келганимизда, тонг энди ота бошлаган эди. Айланма йўл орқали тўғри қадимий кўприк олдида тўхтадик. Тарихий манбаларда бу кўприкни буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Тему́р қурдиргани битиб қолдирилган. Шу жойда Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Файрат Убойдуллаевни учратдик.

— Бугун биз қашқадарёликларнинг қалбимиз фахр-ифтихорга тўла, — дейди у ҳаяжонини яширмай. — Юртбошимиз ҳар гал вилоятимизга келганида меҳрли гаплар билан кўнглимизни кўтаради, янги ташаббусларга бизни руҳлантиради, янги-янги таклифларни билдиради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Тўғриси айтсам, шаҳримизни обод қилиш давлатимиз раҳбари вилоятда ишлаган кезларида бошланган. Қаршининг қўлтуғи 2700 йиллик тўйи муносабати билан олиб борилган қуришлар режасини ҳам у киши тузиб берган. Масалан, болалар боғи ҳудудидаги эски бозор кўчирилди. Натижада истироҳат боғи кенгайди. Ёки Президентимизнинг Қарши шаҳрини қайта қуриш ва ободонлаштириш бўйича қарориди шаҳарга оқар сув келтириш масалалари қамраб олинган эди. Натижада ҳозир Бешкент ариғидан оқаётган сув 6 маҳалла ерларини қондирапти. Чап қирғоқ, айрим каналларидан ҳам шаҳарга сув оқиб келяпти. Бу — боғлар, дарахтзорлар яшнади, ҳовлиларда ноз неъмат етиштириш кўпаяди, дегани.

▶ Давоми 2-бетда.

## ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

## МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ ТУРАДИ

Халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини ўрганиб чиқди

■ Ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида давлат органлари, мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиш фуқароларнинг устувор ҳуқуқларидан ҳисобланади.

Ҳеч ким бесабаб бирон идоранинг эшигини тақиллатиб келмайди. Фуқаро бирон ташкилотга мурожаат этибдими, демак, уни нимадир ўйлантираётган, қандайдир масала безовта қилаётган бўлади. Шунинг учун фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида ҳурмат ва масъулият билан ёндашиш давлат идоралари, корхона-ташкилотларнинг қонуний мажбурияти ҳисобланади.

Аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, уларда кўтарилган масалалар ечимига эътибор қаратиш бўйича ташкилот ва корхоналар раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада тегишли қонунлар

қабул қилиниб, мавжуд қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқини кафолатлашга эътибор қаратилмоқда.

2014 йил декабрь ойида қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун фикримиз тасдиғидир. Мазкур қонунда мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш кафолатлари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чораларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

## ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК

ижтимоий ҳимоянинг бош мезони

Ҳаётимизнинг энг бебаҳо неъматлари фарзандларимиздир. Ота-она ҳам, давлат ҳам борини болалардан аямайди. Халқимизда боланинг бегонаси бўлмайди, бир болага етти маҳалла ота-она каби ҳикматлар, бекиёс қадриятларимиз бор. Айниқса, меҳр-эътиборга эҳтиёжманд болаларга ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Бундай хайрли ишлар партиямиз ғоявий мақсадларига ҳамоҳангдир.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-сон Меҳрибонлик уйида ЎзХДП Хўжайли туман кенгаши томонидан ўтказилган тадбирдан қўзланган асосий мақсад болаларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, улар яшаётган шароит билан танишишдан иборат бўлди. — Соғлом авлодгина буюк ишларга қодир бўлади, — деди ЎзХДП Хўжайли туман кенгаши раиси Тему́р Асанов. — Бу йўлда

катта режалар, келажакка ёруғ орзу-умидлар билан қадам қўётган болажонларимизнинг камоли, бахту саодати йўлида қўлни қўлга бериб, ҳамжиҳат, ҳамкорликда иш олиб бораёйлик. Уларнинг таълим-тарбияси, соғлом вояга етиши учун мўлжалланган юмушлардан асло чарчамайлик. Бола кулса, олам кулади. Дарҳақиқат, биз ҳаммаша фарзандларимиз тинч ва осойишта юрти-

мизда яйраб камолга етишларини ният қиламиз. Умр фасллари ичида ҳеч бири болалигу кексалик каби эъзоз, эътибор, меҳр-муҳаббатга муҳтож эмас, деб бежиз айтилмаган. Эртанимиз бўлган болаларни меҳр булоғи, оқибат кўрғонида асраб-авайлаб вояга етказайликки, авлодлар ҳам ўрнак олсин.

Тадбирда Меҳрибонлик уйи директори Светлана Сон ушбу масканда тарбияланувчилар учун қўлай шароитлар яратилгани ҳақида тўхталиб ўтди. Ҳар бир бола меҳр билан тарбияланаётганини таъкидлади. Йиғилганлар ёш истеъдод эгаларининг ижод намуналаридан баҳраманд бўлишди. Тадбир сўнггида болажонларга совғалар улашилди.

Зулайхо АРТИҚОВА,  
ЎзХДП Қорақалпоғистон  
Республика кенгаши  
сектор мудири.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТАҲРИРИЯТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

## Моддий ёрдам кўрсатилди

Боёвут туманида истиқомат қилувчи фуқаро Т.Азарованинг таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида ёзилишича, у 89 ёшли, биринчи гуруҳ ногирони бўлган онаси билан бирга яшайди. Уйи таъмирталаб, тегибий хизматдан фойдаланишда ҳам баъзи бир муаммоларга дуч келган...

Мазкур хат Сирдарё вилоят ҳокимлигига жўнатилганди. Яқинда вилоят ҳокими ўрин-

босари Б.БЎРОНОВ имзоси билан жавоб мактубини олди. Унда жумладан шундай дейилди:

«Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Т.Азарованинг уй-жойини таъмирлаш ва моддий ёрдам ажратишида ёрдам сўраб таҳририятга қилган мурожаати мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасига кўра,

фуқаро Т.Азарова истиқомат қилаётган уй-жойининг жорий таъмирга муҳтожлиги аниқланиб, тегишли далолатнома тузилиб, ушбу фуқарога уй-жойини таъмирлаш учун «Маҳалла» жамоат фонди туман бўлими томонидан моддий ёрдам ажратилди.

Фуқаро Т.Азарова ва унинг онаси Д.Пирмухаммедова туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Ғалаба» ҚВП шифо-

кори Ф.Ирискулов ва патронаж ҳамшираси Д.Дадабоевалар томонидан доимий тиббий назоратга олинди, ҳар ҳафталик тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳамда дори-дармон билан таъминланиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, улар туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ўзгалар қарамоғига муҳтож кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳар ойда 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиб келинмоқда».



## Ҳамюртларимиз — Бутунжаҳон ёзги универсиадасида

Кеча Жанубий  
Кореянинг Кванчжу  
шаҳрида талабалар  
ўртасида XXVIII  
Бутунжаҳон универ-  
сиадаси бошланди

4 ➤

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

## ДЕПУТАТЛАР БЮДЖЕТ ИЖРОСИ

самарадорлигини ошириш бўйича  
ўз таклифларини беришди

■ ҲАР ҚАНДАЙ МАСАЛАГА  
ЯҒОНА ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ЕЧИМ  
ТОПСА БЎЛАДИ

# ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

қашқадарёликларни янги марралар, буюк бунёдкорликлар сари руҳлантирмоқда

Бошқармамининг ўзига тегишли боғлар 125 гектардан, яшил майдонлар 80 гектардан ортди. Айрим ҳисобларга кўра, шаҳарда 7,5 мингдан зиёд турфа дарахт ўсмоқда. Бу йилнинг ўзидан 33 минг дона дарахт ва гул кўчатлари ўтказди. Режага кўра, шаҳарда 16 та янги майдон ва хиббон барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташири чоғида шаҳардаги улкан қурилишларни кўздан кечириб, амалий маслаҳатлар берди. Ўзоққа бормайлик, мана шу тарихий кўприк атрофида ҳам ўзига хос дам олиш маскани вуқудга келади.

Қурилишлар билан танишиб бўлгач, «Нуроний» жамғармаси вилоят Кенгаши раҳбари, ЎзХДПдан вилоят кенгаши депутати Январ Иноятлов ҳузурига борди.

— Одамлар қалбидаги қувонч сабабини аниқлаш бўлади, — дейди Январ Иноятлов қайнонларига хос вақтинчалик билан. — Чунки халқимизнинг бахтли ҳаёти, шу жумладан, Қашқадарё воқиссининг тарихий шаҳарларнинг кун сайин обод бўлаётгани мамлакатимиз раҳбарининг эътибори маҳсули эканини қашқадарёликлар яхши билади. Президентимиз Қарши шаҳридаги бунёдкорликлар билан танишган, янги йўл-йўриқлар берди. Сўнгра Қасби туманидаги «Қамол Султон» фермер хўжалиги дала шийпониди дилдан суҳбат бўлиб ўтди.

Раҳбаримиз бугун Ўзбекистон дунёда жадал ривожланаётган 5 давлатдан биттаси эканини айтганида, қалбимиз ифтихорга тўлди. «Қим эдигу — қим бўлди», — деган савол қўйилганда, мен Деҳқонбод тумани раҳбари бўлган кезларимни эсладим. Эсимда, вилоятга раҳбарлик қилаётган Исро Абдуғаниевич четдан келган бир меҳмонни олиб

бордилар. Туман иқтисодий ноҳорлик ботқоғига ботган, ўзини ўзи таъминлай олмас эди. Агар 50 та шифер топса, олиб боришга транспорт излаб қолардик. Ўшанда раҳбаримиз ўзоқни кўрсатиб, «Бу тоғларни гўё одам тиклаганга ўхшайди. Аммо уларга инсон қўли тегмаган. Мен ишонман бу тоғлар ўз ҳазинасини очди», деган эди. Мен учрашувда ана шуларни хотирлаб, айтиб бердим. Шўқри, бошқа туманлар қатори Деҳқонбод ҳам бугун саноати ривожланаётган, обод масканлардан бирига айланмоқда. Президентимизнинг истиқлол байрами арафасида вилоятимизга ташири, берган маслаҳатлари бизни янада улғу бунёдкорликларга даъват этади.

— Қасби туманидаги учрашувда мен ҳам қатнашдим, — дейди Ғузур туманидаги «Зарбдор» ҚФЙ раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Раёно Жонқувватова. — Ўзим олий маълумотли агрономман. Собик иттифок замониди пахтачилик бригадирини эдим. Ўттиз ёшимда халқ депутати сифатида Москвага сессияга борган эдик. Исро Абдуғаниевич вилоятдан сайланган депутатларни Арбат кўчасига сайрга олиб чиқдилар. Аёллар атлас қўйлақларини кийиб олишган эди. Шу жабл қилдимки, бир гуруҳ ёшлар бизни ўраб олди. Танишасан, ўзимизнинг Фаргона воҳасидан ўқийша келган ёшлар экан. Улар «Юртимизнинг келажиги қандай бўлади?», деб савол беришди. Шунда раҳбаримиз «Юртимизнинг келажигини ўз қўлимиз билан барпо этамиз», деган эдилар ишонч билан.

Мен истиқлол ҳақидаги Президентимизнинг фикрларини ўшанда эшитган эдим. Қувончлиси, улғу орзуларимизнинг рўёбини ўз қўлим билан кўрдим. Яратганга шўқри. Мен ана шулар ҳақида гапирганимда, мамлакатимиз раҳба-

## Юртимизнинг келажигини ўз қўлимиз билан барпо этамиз

Юртбошимиз зиммамизга қутлуг вазибаларни юкладилар. У кишининг ҳар бир гапи бизга тенгсиз руҳ, жасорат ва ғайрат бағишлайди. Бун қар бир қашқадарёлик юракдан ҳис этмоқда.

киши Чиноздаги санаторийга бориб даволаниб келди. Пахта ва ғалладан юқори ҳосил олаётимиз. Эсимда, 1960 йилларда латта жилда китоб-дафтар солиб мактабга борардик. Бугун ёшларга қандай мактаблар, коллежлар, олий таълим даргоҳлари яратиб берилган. Катта ўғлим Ойбекжон молия институтини битиряпти, Улуғбекжон Сингапур институтининг Тошкентдаги филиалида таълим олаётти. Фарзандларимга иккита намунали уй олиб бердим.

Президентимиз ташири билан даламиз, қалбимиз нурга тўлди. Насиб этса, бу йил ишларимиз янада баракали бўлади...

Қамаши туманига, Қашқадарё соҳилидаги далага ва оппоқ рангга бўялган дарахторлар баргиди шийпонга етиб келганимда, кун ёнбошлай бошлаган эди. Бу — «Бозор ўғли Абди» фермер хўжа-

лигининг даласи, 200 гектардан ошиқ. Ўтган йили шартномадаги 124 тонна ўрнига 246 тонна дон етказиб беришган эди. Бу йил ҳам режани ошиғи билан урдалашибди. Яна 65 гектар майдонда ғўза дуркун ўсаяпти.

— Нима ҳақда гапирингиз дейсизми? — қайта сўрайди фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдумурод Бозоров шовуллаб оқаётган дарё томонга боққанга. — Шўро даврида шунча ишлаб қадр топмаганимизни гапирдим. Раҳбаримизнинг ноҳақ қамалганлар оқлинишга ёрдамлашгани, одамлар оилалари бағрига қайтганини эсладим. Мустақиллик тўғрисида ер эгаси бўлганимизни, одамларда ерга ҳам, меҳнатга ҳам муносабат ўзгарганини айдим.

Биласизми, ана шу даламизда Исро Абдуғаниевич бир неча бор бўлганлар. Бу сафар янги пахта навларини яратиш ҳақида гапирдилар. Айниқса, у кишининг ёшларни муносиб ўринбосарлар қилиб тарбиялаш ҳақидаги фикрлари мени ҳаяжонга солди. Шўқри, ўғилларим — Бекзод ва Шерзод олий маълумотли агроном ва чорва муҳассиси, Бахтиёржон механизатор, Дилшоджон ҳосилот. Вақти келиб, улар қўлимдан ишмни олишади, халқимизга астойдил хизмат қилишади. Юртбошимиз зиммамизга қутлуг вазибаларни юкладилар. У кишининг ҳар бир гапи бизга тенгсиз руҳ, жасорат ва ғайрат бағишлайди. Бун қар бир қашқадарёлик юракдан ҳис этмоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг воҳага ташири меҳнатқаш, бир сўзли қашқадарёликларни янада улкан мақсадлар ва баланд марраларга чорлади.

Юнус УЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.

### ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

— Тўғриси айтсам, «Ёш сиёсатчилар» клубининг фаолияти мени унчалик қаноатлантирмайди. Ўтказилаётган тадбир, йиғилишларда 10-20 нафар йигит-қиз иштирок этади, холос. Нега университетнинг талабаларини кўпроқ жалб қилиб, долзарб мавзуларда талбирлар ташкил қилиш мумкин эмас?

### «ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» КЛУБИ

фаолиятини янада жонлантириш зарур



Шайхто АбдуСАИДОВА олган суратлар.

— Тўғри, фақат университет талабалари билан чекланмасдан туманларга чиқиб, «Истиқбол» ёшлар қаноти билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ташкил қилиш ҳам мумкин.

— Бунинг учун клуб етакчиси жонқуяр, ташкилотчи бўлиши керак. Режа асосида иш юритса, ҳаммаси яхши бўлади.

Иккинчи даврада «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи қолиби Санжар Аввалбоевнинг республика танловига тайёргарлиги хусусидаги суҳбат қизгин тус олди.

— Санжар, сен лоийҳангни вилоятдаги катта муҳассисларга кўрсатиб, маслаҳатларини олишинг керак. Тўлдириладиган жойи бўлса, тўлдири.

— Биз ҳам Тошкентга борамиз. Сени қўллаб-қувватлаб турамыз...

Тадбирни ЎзХДП вилоят кенгашининг раиси Алишер Тошматов очди. Дастлаб у вилоят партия ташкилотчи фаолиятига қолиб ўтказилган кенгайрилган йиғилишда Марказий Кенгаш масъул ҳодимлари томонидан билдирилган танқидий фикрларга тўхталиб ўтди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятидаги ҳато ва камчиликлар ҳам айтиб ўтилди, — деди у. — Тўғри, ёшларимиз ишламаяпти, деб бўлмайди. Лекин баъзи тадбирлар номига ўтказилиб, лоқайдликка йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Биз партиямиз ёшлари фаолиятини ҳар томонлама қучайтиришимиз керак.

«Ёш сиёсатчилар» клубини ташкил этишдан мақсад йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлашдир, — деди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сирдарё вилоят бўлими етакчиси Мурод Хайитов. — Ёш сиёсатчилар ўз тенгқурлариди етакчилик, ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларини шакллантириши, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшларнинг иштирокини қучайтиришга интилиши лозим. Ана шунда клуб аъзоларида тарғиб-бот-ташвиқот, маданий-маърифий ишларни олиб бориш қўникмалари шаклланади, улар орасидан етук кадрлар захираси тайёрланади. Бу эса партиямиз дастурий қоялари янада кенг ва самарали тарғиб қилинишига катта йўл очади.

Бугун Сирдарё вилоятда партиямиз сафиди 5 минг нафар йигит-қиз бор. «Ёш сиёсатчилар» клубида ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошираётган, турли ташкилотларда ишлаётган ёшларнинг номзоди «Бўлажак депутат» лойиҳаси орқали халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига тавсия этиляпти. Ўтган йилги сайловда уларнинг 10 нафари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайланди. «Ёш сиёсатчилар» клубида фаол иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билим ва қўникмаларини мустаҳкамлаган йигит-қизларнинг кўпчилиги вилоят ҳамда республикамизнинг йирик корхона-ташкilotларида масъул вазифаларда ишляпти. Клубга етакчилик қилган Шоислом Баратов ҳам университетни тамомлаб, ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгашида иш бошлади. Шу муносабат билан «Ёш сиёсатчилар» клубининг янги координаторини сайлашимиз керак.

Шундан сўнг йиғилишда Бекзод Эшмирзаев, Зокир Ўрозалиев, Акмал Ибрагимов томонидан «Ёш сиёсатчилар» клубининг фаол аъзоси, Гулистон давлат университети талабаси Ортиқжон Гофуров номзоди клуб координаторлигига кўрсатилди ва бу таклиф бир овоздан маъқулланди.

Ўтқам АБДУЛЛАЕВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

### ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

## МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ ТУРАДИ

Халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини ўрганиб чиқди

Ҳўш, бугун бу қонун қай даражада амалга татбиқ этилмоқда? Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, корхона-ташкilotларнинг раҳбарлари фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқишда қонунда белгиланган меъёрларга тўлиқ риоя қилишяптими?

Ҳар бир ташкilot, мутасадди раҳбар ушбу саволлар ҳақида яна бир бор жиддий ўйлаб кўрмоғи, қонун талабларидан келиб чиқиб, зарур чораларни белгилаб олмоғи талаб этилади. Бугун фуқаро мурожаатига «ҳа, қимдир ёзибди, қўйибди-да», «бошқа муҳимроқ ишлар бор, кейинроқ бу масала ҳақида ўйлаб кўрармиз» ёки «озроқ вақт ўтсин, ҳаммаси тинчиб кетади», деган ўй билан иш тугиб бўлмайди. Чунки одамлар қонуний ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, мурожаатдан натижа чиқмаса, юқори туровчи ташкilotга ёки ўзи сайлаган депутатга мурожаат қилади.

Халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи яқинда туман «Сувоқава» корхонаси фаолияти мисолида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини ўрганиди. Афсуски, натижалар қувонарли эмас. Ишчи гуруҳининг ҳулосаларига кўра, корхона томонидан аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, уларга жавоб бериш, кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этишда камчиликларга йўл қўйилган.



Маълумотларга таянадиган бўлсак, Жиззах туман «Сувоқава» корхонасида аҳоли ва ташкilotлардан тушадиган ариза ва хатларни рўйхатга олиш дафтариди жорий йил 14 апрелга қадар 14 та мурожаат қайд этилган. Лекин уларнинг ҳеч бирига жавоб қайтарилмаган.

Фуқаролардан қатор масалаларда мурожаатлар тушган. Хусусан, жорий йил 11 март кунини Жиззах вилоят ҳокимлигига Жиззах туманидаги Аришли қишлоғи Қангли маҳалласида яшовчи фуқаролар ичимлик суви масаласида мурожаат этган. Ушбу мурожаат ижро учун туман «Сувоқава» корхонасига юборилган. Аммо хатга жавоб берилмаган.

Шу ойда вилоят «Сувоқава» корхонаси раҳбарига тушган му-

рожаатда Жиззах тумани Равот қишлоғида яшовчи фуқаролар томонидан 47 оила фойдаланиб келаятган сув қудўғини бошқа жойдан қазиб чиқариш масаласида ёрдам сўралган. Мурожаат вилоят «Сувоқава» корхонаси топшириғи билан корхонанин туман бўлимига юборилган. Аммо ушбу мурожаат ҳамда топшириқнома ҳам жавобсиз қолган.

Ваҳоланки, қонун талабларига мувофиқ ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда қўриб чиқилиши керак.

Мурожаатни қўриб чиққан

давлат органи мурожаат этувчига қўриб чиқиб натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши шарт.

Аммо корхона қўллаб мурожаатларнинг ечимини билан қизиқиш ёки ҳеч бўлмаганда унга жавоб йўллаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

Президентимиз қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назорати ва депутатлик назоратини қучайтириш парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа эканини таъкидлаган, — дейди халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Акрам Раҳимов. — Шундан келиб чиқиб, партиямиз гуруҳи ўз олдида бу борада қатор вазифаларни белгилаб олган. Жорий йил апрель ойида иш режамизга асосан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси ўрганиб чиқилди. Натижалар 27 май кунини партия гуруҳи ҳамда 25 июнь кунини халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсиз-

лигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси йиғилишида муҳокама қилинди, тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқилди. Шундан сўнг корхонадаги ишлар қисман ижобий томонга ўзгарган.

Бироқ қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шу масаладаги мурожаатларни ҳал этишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш долзарб вазифадир. Бугун Жиззах вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини жиддий эътибор қаратилаяпти. Шундан келиб чиқиб, тегишли идора ва раҳбарларнинг масъулиятини янада қучайтириш, қонун ва қарорларга қатъий риоя қилиниши устидан депутатлик, жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарур.

Бир кун рўзғорда сув бўлмаса, қандай ноқулайликлар, қийинчиликлар бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Ўзида бўлмаганлар қўшини-сидан сўраб, аммо қўшинларида ҳам бўлмаганлар қимдан сўрайди?.. Сув инсоннинг энг бирламчи эҳтиёжларидандир. Шунинг учун аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига, бу борадаги мурожаатларга ҳар доим жиддий масъулият билан ёндашиш талаб этилади, деб ўйлаймиз.

Гулрух ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ЎзХДП АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ, МАҚБУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛИШИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ МУҲИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.




ЎзХДП КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, БАРҚАРОР ДАРОМАДГА ЭГА БўЛМАГАН ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ БўЛГАН ҚОБИЛИЯТЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАЙРИХОҲДИР.

Мамлакатимизда яратилган бир қатор қонун ҳужжатлари алоҳида эҳтиёжга муҳтож фуқароларнинг саломатлигини асраш, уларнинг манфаатларини таъминлаш имконини бермоқда.

■ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

# Ижтимоий ҳимоя тизими янада тақомиллаштирилмоқда



■ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан «Мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзуда матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирликнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг турли жабхаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолининг барча қатлами аниқ манзилли ижтимоий муҳофаза қилишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиб келинмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда яратилган бир қатор қонун ҳужжатлари алоҳида эҳтиёжга муҳтож фуқароларнинг саломатлигини асраш, уларнинг манфаатларини таъминлаш имконини бермоқда.

— Вазирлик томонидан алоҳида эҳтиёжга муҳтож фуқароларга ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича

изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирлик тизимида айни вақтда 720 ўринга мўлжалланган 11 та реабилитация маркази мавжуд. Ушбу муассасаларнинг алоҳида эҳтиёжга муҳтож инсонларнинг касалликларини аниқлаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ушбу муассасалар муҳим ўрин тутади. Жорий йилнинг 1 июнига қадар 2970 нафардан ортиқ имконияти чекланган фуқаро техник-реабилитация воситалари, аравачалар, эшитиш мосламалари билан таъминланди. Бундан ташқари, вазирлик бир қатор жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Бу алоҳида

эҳтиёжга муҳтож фуқароларнинг жамиятга мослашувиغا яқиндан қўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, қасадчиллик меҳнатини ривожлантириш, инклюзив таълим каби йўналишларда самарали натижаларга эришишда асосий омил бўлмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ногирон болаларни ҳуқуқий ва моддий томондан қўллаб-қувватлашдан ташқари, уларни таълим олишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, бугунги кунда имконияти чекланган ёшлар учун Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу касб-ҳунар коллежларида имконияти чекланган ўқувчиларни чуқурлаштирилган ҳамда ихтисослиги бўйича ўқитиш, интеллектуал ривожлантиришни таъминлаш ва уларни жисмоний камол топтириш асосий мақсад қилиб олинган.

Жисмоний имкониятлари чекланган ёшлар сифатли таълим олишига янада қулайлик яратиш мақсадида коллежлар бинолари махсус анжомлар билан жиҳозланган. Биноларнинг барча томонларида ўқувчилар ногиронлар аравачасида ўзлари ҳаракатланиши учун махсус пандуслар ўрнатилган. Ҳаракат таянч аъзоларида касаллиги бўлган ўқувчилар учун ўқув ва ётоқхона биноларида лифтлар ўрнатилган. Барча бино деворларида кўзи ожиз

рувчилар уч томонлама шартномалар орқали жойлардаги корхоналарда иш билан таъминланмоқда. Яратилган шартномага эга ўқувчиларнинг касб маҳоратини оширишга, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишига имконият яратмоқда.

— Қолаверса, миллий марказимизнинг асосий вазифаси — ногиронларни тиббий, ижтимоий, касб бўйича реабилитация қилиш ва протезлаш, ногиронларга фаол ҳаёт, ўқиш ва меҳнат фаолияти имкониятини олишда қўмаклашиш, санаторий-соғломлаштириш муассасалари билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир, — дейди **Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Баҳодир Каримов**. — Бундан ташқари, ички аъзолар, асаб тизими, жароҳатлар асоратлари, умуртқа поғонаси каби касалликлар билан оғирган ногиронларга ҳам сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, 2011-2014 йиллар давомида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда Ўргач, Самарқанд, Фарғона, Наманган шаҳарларидаги Ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларида курилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, уларнинг моддий-техника базаси янада яхшиланди.

Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали миллий марказга грант асосида ажратилган 59 турдаги 308 донга қиймати 4,3

миллион АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар (компьютер-томограф, артроскоп, эндоскоп, электромиограф, гастродифференциал, доплер ва бошқа физиотерапия, даволаш жисмоний бадан-тарбия машқларини ўтказиш учун тренажёрлар, биокимё лабораторияси ускуналари) келтирилди. Бунинг ҳисобига имконияти чекланган шахслардаги касалликларни ташхислаш сифати ва қўламини ортириш, ўтказилаётган жароҳатли амалиётларнинг вақти қисқарди, уларга ижтимоий ва касбий йўналишларда бериладиган тавсияларни асосли равишда бериш имкониятлари кенгайди. Шунингдек, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан имзоланган грант шартномасига асосан 2014 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоят ногиронлар минтақавий реабилитация марказларига жами 31 донга энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилоятлари реабилитация марказларига 333 минг АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги 24 донга замонавий тиббий асбоб-ускуналар ажратиш борасида март ойида яна элчихона билан грант шартномаси имзоланди.

Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

миллион АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар (компьютер-томограф, артроскоп, эндоскоп, электромиограф, гастродифференциал, доплер ва бошқа физиотерапия, даволаш жисмоний бадан-тарбия машқларини ўтказиш учун тренажёрлар, биокимё лабораторияси ускуналари) келтирилди. Бунинг ҳисобига имконияти чекланган шахслардаги касалликларни ташхислаш сифати ва қўламини ортириш, ўтказилаётган жароҳатли амалиётларнинг вақти қисқарди, уларга ижтимоий ва касбий йўналишларда бериладиган тавсияларни асосли равишда бериш имкониятлари кенгайди. Шунингдек, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан имзоланган грант шартномасига асосан 2014 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоят ногиронлар минтақавий реабилитация марказларига жами 31 донга энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилоятлари реабилитация марказларига 333 минг АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги 24 донга замонавий тиббий асбоб-ускуналар ажратиш борасида март ойида яна элчихона билан грант шартномаси имзоланди.

Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 4-iyul. Shanba  
77 (31.980)-son  
www.uzbekistonovozi.uz

3



## Фарзанд тарбияси учун вақт ажратиш зарур

Буюк Британияда иш билан тўлиқ банд бўлган ота-оналар ўз фарзандлари учун атиги 19 дақиқасига вақт ажратар экан, холос, дейилади «Daily Mail» газетасида чоп этилган ахборотда.



«Time Use Survey» ташкилоти томонидан 16 ва ундан юқори ёшдаги 4950 нафар аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижалари таҳлили шундан далолат бермоқдаки, болалар учун сарфланадиган бу вақт, яъни 19 дақиқа болалар билан бирга нонушта қилишга ёки кечқурун ухлашдан олдин уларга бир-иккита эртакни айтиб беришга етади, холос.

Расмий маълумотларга кўра, Буюк Британияда 12 миллиондан зиёд аёл иш билан банд. Улар уй бекаларига қараганда, 40 дақиқа кам ухлайдилар, лекин уларга нисбатан кўп иш қиладилар, бундан ташқари, ҳар кун уй йиғиштириш учун икки соат вақт ажратишади.

Сўровда катнашганларнинг кўпчилиги ишламай уйда қолишни, болалари тарбияси билан шуғулланишни хоҳлашни билдирган. Лекин турмуш уларни ишлашга мажбур этади.

## Ўқувчилар назорати доимий олиб борилади

Малайзияда мактаб дарсларига қатнашмай, вақтини ўзга жойларда ҳуда-беҳуда ўтказиб қўйиб, ўқувчиларни топиб, чора кўриш, бундай ҳолларнинг олдини олиш бўйича махсус бўлима фаолияти йўлга қўйилганига ҳам анча йиллар бўлди.



«Ўқувчиларнинг дарсларга қатнашмаслик ҳолатлари мактаб тартиб-интизомига зид қўрилиши», — дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида. — Кейинги пайтларда бу долзарб муаммага айланб бормоқда. Шунинг учун ҳукумат бу масалага алоҳида эътибор қаратди».

Полиция, туман маъмурияти вакиллари, мактаблар касба уюшмалари ҳамда «Ота-оналар ва ўқитувчилар» уюмий алоқасидаги ассоциация вакиллари билан биргаликда, даволанган мактабларда, савдо комплексларида, маданият ва истироҳат босқичларида, қўйингки, ўқувчилар юриши мумкин бўлган барча жойларда назорат ишларини олиб борадилар. Қайсики ўқувчи дарс вақтида шу ерларда қўлга тушса, улар дарҳол дарсга қайтарилади ва унинг бу қилиши ота-онаси иштирокида муҳокама қилиниб, чора қўрилади.

Нилуфар ХУСАНОВА таяёрлади.

■ МИННАТДОРЛИК

Зангиота туман ҳокимияти ҳамда «Тошхавтрансхизмат» акционерлик компанияси раҳбарлари саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг май ойидан бошлаб «Ўзгариш» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi «Жалойир», «Файзли», «Қумариқ» маҳаллаларини шаҳар билан боғлайдиган жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилди.

## Узоғимиз яқин бўлди

Илгари маҳалла ичидан катта йўлга чиқиш аҳолининг кўп вақтини оларди. Энди эса «Қўйлик-Сирғали» йўналиши бўйлаб қатнайдиغان микроавтобуслар юқорида номлари тилга олинган маҳаллалар орқали ўтайдиган бўлди.

Бу эса учта умумтаълим мактаби жойлашган маҳаллалардан Тошкент шаҳар лицей ва коллежларига қатнайдиغان қўллаб-қувватчи-талаба, спортчи, ишчи-хизматчилар вақтини тежаб, ўз манзилларига етиб олишлари имкон яратди.

Собир ҚОДИРОВ, меҳнат фахрийси.

■ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# Инсон ва табиат уйғунлиги

Табиатни онага қиёслаймиз. Мурғак жон она вужудда яралгандан бошлаб, ташқи оламнинг нодирликларини ўзига сингдира бошлайди. Бизни инсон сифатида шакллантирувчи омилларни ўрганимиз, ўша онага қиёслаганимиз — табиатнинг бир бўлаги эканлигини масъулият билан ҳис этишга, чуқурроқ ўйлашга кўпинча эътибор бермаймиз. Техник тараққиётнинг ютуқларидан қанчалик сармат бўлмайлик, она табиатнинг мўъжизаларидан туядиган завқу-шавқнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайдми.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти физика кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди Алиқул Раҳмонқулов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда табиатни авайлаш — ўзимизни, борлигимизни асрашдек муҳим эканлигини фарзандларимиз онгига сингдира билиш шарт ва зарур, — дейди у. — Табиат деганда бутун бир яхлит мавжудлиқни тушуноқ керак. Биз англай оладиган ва айрим ҳолларда идрок эта ололмайдиган, жамияти борлиқ бутун табиатнинг алоҳида-алоҳида бўлаклари сифатида намоён бўлади. Шундай экан, инсон ҳам табиатнинг онгли, тафаккурли бир бўлаги ва ҳосиласи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни она табиат дейдилар. Инсон ҳар доим шу она табиатнинг сир-асорларини ўрганишга ва табиат қонунларини ўз эҳтиёжларига хизмат қилдиришга интилади...

— Замон жуда ҳам шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бир шойиримиз айтганидек, инсондаги илмийлик ҳаракати жуда тез одим-ляпти. Инсон омондан тракторгача бўлган масофани, балким 6 минг йилда босиб ўтгандир. Трактордан космик кемагача бўлган вақтни эса, бор-йўғи 60 йилда босиб ўтди. Бундай ривожланишлар инсон ва табиат муштараклигига қай даражада таъсир ўтказди, деб ўйлайсиз?

— Ишонаманки, вақти келиб тараққиёт бугунги кундагидан минг бора ривожланган кўринишда бўлади. Аммо, инсон шунда ҳам табиат олдида ожиз-лиғича қолаверди. Эътибор берган бўлсангиз, яратилган кашфиётларнинг деярли барчаси табиатдан нусха кўчириб амалга оширилган. Бундан фанда бионика дейишади. Масалан, қушга қараб самолёт иختиро қилинган. Қолаверса, рассомлар, шoirларнинг гўзал

асарлари ҳам бевосита табиатдан илҳомланиб яратилган. Шу маънода табиатнинг тараққиётга, инсониятга таъсири жуда катта, бу иккаласини бири-биридан айро тасаввур қилиш мушкул. Ҳозирги кунда техниканинг барча жабхалардаги ривожланиш суръати шу даражада тезлашиб бормоқдаки, айрим ҳолларда биз бу тараққиёт маҳсулларини ўринли англай олишдан ва онгли равишда мақсади фойдаланишдан орқада қолаётгандекмиз.

Шу ўринда бир мисол келтиришни лозим толамиз: Ер ости бойликлари: нефть, газ, кўмир, темир ва бошқа элементларнинг ҳосил бўлиши бир неча миллион йилларни ўз ичига оладиган жараён ҳисобланади. XX аср бошига келиб, техника катта тараққиёт қўқисига кўтарилди. Инсон табиат қонунларидан фойдаланиб, ўз онининг маҳсули бўлган қудратли техникаларни яратди, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси дунёга келди, тақомиллашган қурол-ярроғлар, атом энергиясидан фойдаланиш мумкинлиги кашф этилди.

Ачинарлиси шундаки, инсон онининг маҳсули бўлган кашфиётлардан ноўрин фойдаланилди. Юз миллион йиллар мобайнида ҳосил бўлган мавжуд ерости бойликларининг деярли кўп қисми Иккинчи жаҳон уруши даврида ироф қилинди.

Бугунги кунда эса замон тараққиёти, техника ривож алоҳида турмушимиз фаровонлигини юксакларга кўтарди, оғир кўл меҳнатларини енгиллаштирди, аммо бу ўринда она табиатимизга жароҳат етказмаган ҳолда фанимиз ютуқларидан фойдаланишимиз керак ва унинг экологик тазалигини

сақлаб қолиш ҳам бурчимиз, ҳам маданиятимиз белгисига айланиб қолиш шарт.

— Инсон табиатининг онгли бир бўлаги экан, у табиат қонунларини мақсадга мувофиқ равишда ўз эҳтиёжи учун ишлатишга ҳар доим интилади. Бу борада техник ютуқларга ҳамоҳанг тарзда инсон ва табиатни яқинлаштиришнинг маълум мезонларини ўйлаб топишда нима-ларга аҳамият бериш керак деб ўйлайсиз?

— Бу ўринда, мавжуд дастурларга қўшимча тарзда она табиатга меҳр қўйиш, уни она каби ардоқлай билиш борасида мактабларда ўқув жараёнида, хаттоки болалар боғчаларидаги тарбиявий жараёнларга уларнинг ёшларига мос ва ҳамоҳанг ҳолда амалий дастурлар яратиш, табиат қўриқчилари ўртасида мусобақалар ташкил этиш, бунда эса албатта халқнинг ўлмас аъналаридан кенг фойдаланиш лозим.

— Мамлакатимизда табиатни асраш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилаётган. Қолаверса, халқимиз азалдан табиатга ўзгача меҳр бериб келган. Ота-боболаримиздан босиб ўтиб келаётган турли ўғитларни фарзандларимизга уқтириб келмоқдамиз...

— Дарҳақиқат, халқимиз атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлиш, ён-верини тоза-озода, покиза сақлашни миллий тарбиянинг бир бўлаги сифатида қарайди. Одобилик уйи, ховлиси, кўчаю маҳалласи озодалиги, орасталиги билан белгиланади. Бу хислатлар бугун кекса авлод вакиллари томонидан ёшлар қалбига, шуғрига сингдириб борилаётган. Таълим муассасаларида табиатни асраш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадида «Гуллар ва қушлар байрами», «Табиатни асраш — бурчимиз!» каби тадбирларни ўтказишдан қўзланган мақсад ҳам аслида ўқувчиларнинг табиат ва экология ҳақидаги билимларини бойитишдан иборат.

— Ўлкамиз табиатининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Юртимиз бой табиати ва нобой биологик ресурслари билан ажралиб туради. Мамлакатимизда тўрт минг саккиз

юздан ортиқ ўсимлик, қарийб ўн олти мингта яқин ҳайвон тури учрайди. Уларнинг муайян қисми нобой бўлиб, фақат бизнинг минтақамиздагина мавжуд. Мамлакатимизда ўттизга яқин қўриқхона, миллий табиат боғлари, нобой ёвойи ҳайвонларни асраш ва қўпайтиришга ихтисослашган марказлар, табиат ёдгорликлари мавжуд. Ислохотларнинг бир қисми сифатида нобой ўсимлик ва ҳайвон турларини қўпайтиришга мослаштирилган, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва қўриқхоналар майдони кенгайтирилди. Қорақалпоғистон Республикасида муҳим лойиҳалардан бири — Қўйи Амударё биосфера резервати ташкил этилди. Бундай чора-тадбирлар натижасида йўқолиш хавфи остида турган нобой ҳайвон ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш ва қўпайтиришга эришилди.

Юртимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш йўлида қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда. 2008-2012 йилларда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури, 2011-2015 йилларда атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастури, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепцияси шулар жумласидандир. Энг муҳими, бу дастурлар ижроси устидан назорат ўрнатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда республикадаги фаолият кўрсатаётган 5200дан ортиқ нодавлат ноҳиядор ташкилотлари, 10 мингдан зиёд маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг минтақадagi экологик ҳолатни соғломлаштириш, соҳага оид муаммоларни комплекс ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 2008 йилнинг 2 августидa Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилди. Энг муҳими, Экоҳаракатнинг юзага келиши ушбу соҳада жамоатчилик иштироки асосларини тубдан тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири  
Озода БЕКМУРОВА  
суҳбатлашди.



■ АМЕРИКА КЛИНИК ОНКОЛОГИЯ ЖАМИЯТИНИНГ ЧИКАГОДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА 945 НАФАР БЕМОР ИШТИРОК ЭТГАН КЛИНИК ТАЖРИБАЛАРДА САРАТОНГА ҚАРШИ ЯНГИ ДОРИЛАР БИРИКМАСИ ҚўЛЛанилиши мисли қўрилмаган натижалар бергани ЭЪЛОН қилинди. САРАТОН КАСАЛИГА ДУЧОР бўлганларнинг ярмида ўсма-лар кичрайган ёки таг-туғи билан йўқолиб кетган. ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, ЯНГИ ДОРИЛАР БИРИКМАСИ САРАТОННИНГ БОШҚА ТУРЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ХАМ ҚўЛ КЕЛИШИ МУМКИН.



■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 20-24 ИЮНЬ КУНЛАРИ ИТАЛИЯНИНГ РИМИНИ ШАҲРИДА бўлиб ўтган ОПЕРА бўйича ФИЕСТАЛОНИЯ ФЕСТИВАЛИДА ҲАМЮРТИМИЗ АМИНЗОДА ЖУМАНИЁЗОВ 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ. АМИНЗОДА ФЕСТИВАЛДА «МАФТУН Бўлдим», ФРАНЦУЗ ТИЛИДА «КАРМЕН» ОПЕРАСИДАН «ЭСКАМИЛЁ» АРИЯСИ ХАМДА ИТАЛИЯН ТИЛИДА «ЙИГЛАМА» РОМАНСИНИ ИЖРО ЭТДИ.

# Эзгуликининг мукофоти эзгуликдир

■ Маълумки, ислом дини инсонларни бир-бирига доимо яхшилик қилишга амр қилди. Кексалик инсон умрининг сокин давридир. Чунки одам кексайганида катта ҳаётий тажрибага, теран ақлга эга бўлади. Шундай пайтда уларнинг кўмаги ва маслаҳатига ёшлар доимо эҳтиёж сезади. Агар ёшларимиз меҳнатсевар, ҳалол, диёнатли, эл иши учун фидойи бўлишни истасалар, кекса авлод вакиллари-нинг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланишлари даркор.

Инсон ҳаётини меваги да-рахтга қиёслашди. Кексалик эса худди мевалар етилган мўъжизавий боққа ўхшайди. Лукмони Ҳакимдан: «Нега ҳадеб ўғлингизга насиҳат қилаверасиз?», деб сўради-лар. «Кексаларнинг насиҳати ёшлар учун бобгон нисолни тарбия қилган кабир», деб жавоб берди у киши. Фарзандлар учун ота-онасининг панд-насиҳатлари рияз этилиш фарз ҳисобланади. Ҳадисда айтадики: «Отага итоат этиш Аллоҳга итоат этишдир. Унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир». Муоз ибн Жабал (р.а.) ривоят қилган яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар-нинг олдингизга бир қавм-нинг каттаси келса, уни ик-ром қилинглар» дедилар.

Жаннатмакон диёримиз истиқлолга эришган илк кунларданок нафақадаги кекса отахон онахонларга, ногирон ва муҳтожларга катта ғамхўрлик ва беминнат ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Буларнинг барчаси юртимизнинг азиз дуоғўларига билдири-лаётган катта ҳурмат-этибор рамзи бўлса, иккинчи томон-дан, уларнинг доимий қила-ётган ҳолис дуои хайрлари, иншааллоҳ, юртимизни ва халқимизни турли бало-офат-лардан сақлашга хизмат қил-моқда.

Бу дунёда инсонни қилган яхшиликларини-ю эккан дарахт-лари, вояга етказган фарзанд-лари-ю тарбиялаган шогирд-лари улуглайди. Кечаги гўдак, бугун йигит. Вақт ўтиши билан ёшлик ҳам бизни тарк эта-ди. Зеро, бу ҳаёт қонунидир. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.) муборақ ҳадиси шарифлари-да шундай деганлар: «Одам-ларнинг яхшиси узок умр кўриб, шу умрини яхши амал билан ўтказганидир».

Минг афсуслар бўлсинки, кекса ота-оналар баъзи бир кишилар назарида дардисар-дек, ортиқчадек туюлади. Бирор даврага кирган ёшлар ёки фарзандлари баъзан «уф» тортадилар. «Қариганда уйда ўтирса бўлмасмикин-а?», деб нотўғри ўйлайдилар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда ин-сонни ўз ота-онасига яхши-лик қилишга амр қилиб бун-дай дейди: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қи-лишга буюрдик...» (Анкабут сураси, 8-оят).

Бошқа оятни қаримада Аллоҳ таоло марҳамат қи-лади: «Раббингиз, Унинг Ўзи-гагина ибодат қилишингиз-ни ҳамда ота-онага яхши-лик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузу-рингизда кексалик ёшига ет-салар, уларга «уф!..» дема-ва уларни жеркима! Улар-га (доимо) ёқимли сўз айт!» (Исро сураси, 23-оят).

Ушбу оятда «уларга ёқимли сўз» деганда ота-онани номи билан қақирмаслик, балки «отажон, онажон» каби сўзлар билан ёш гўдакларга хос муо-мала қилиш, уларни ранжита-диган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини хизматкор-дек туттиш қабиларни тушуниш керак бўлади.

Ҳа, ҳаётнинг ўзига хос аччиқ ва ширин томонлари бор. Айниқса, кексалар эъти-борга, меҳр-муруватга жуда муҳтож бўладилар. Киши ет-мишга етса, янада табаррук-лимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида-ги қарори бунда муҳим дасту-риламал бўлмоқда. Мусобақага йўл олаётган барча спортчиларимиз голиб ва совриндорлар сафидан жой олишга астойдил бел боғлаганлиги мутахассис ҳамда мухлисларимизни қувонтиради, албатта.

Бутунжаҳон универсиада-да май-донга тушадиган спортчиларимиз ора-сида Осие ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро мусобақалар голиб ҳамда совриндорларининг борлиги уларнинг ўз олдларига жиддий мақ-садларни қўйганларидан далолатдир. Жумладан, Александр Ким бош му-раббийлигида бахсларда иштирок эта-диган Ўзбекистон таэквондо (WTF) терма жамоасига мутахассис ва мух-лисларимиз катта ишонч билан қара-шапти.

Бу йил ҳаётимда унутилмас воқеалар кўп бўлмоқда, — дейди жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — Май ойида Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпио-натига +87 килограмм вазн тоифа-сида олтин медалга сазовор бўлдим. Сўнгга 26-28 июнь кунлари Мельбурн шаҳрида уюштирилган Австралия очик чемпионатида шо-хсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдим. Энди XXVIII Бутунжаҳон универсиадада Ватанимиз шара-фини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўряпман. Эришаётган ғалабаларим менга катта куч бағишлаш билан



лашади. Бундай инсонларга қулоқ тутмоқ ва панду наси-хатларини олмоқ лозим. Оила-ни оёққа тургазан, ўғил-қиз-ларни ўстириб, едириб-ичир-ган, оила, фарзандлар камо-лини деб елиб-югурганлар ҳам шулар. Абу Мусо Ашъарий (р.а.) ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васал-лам «Сочига оқ тушган му-сулмонни икром қилиш, Ал-лоҳни улуглаш билан баро-бардир» деганлар.

Кексаликининг муайян муш-кулотлари, мураккабликлари бор. Беморлик, кўз хиралаши-ши, оёқ-бел огриши, кучдан қилиш, аввалги завқ-шавқлар-нинг сусайиши, қадамнинг майда, йўллар эса олис бўлиб қолиши... Ҳаётда, атрофимиз-да яхши кишилар борлигидан, улар билан ёнма-ён яшаётга-нимиздан қувончимиз керак.

Унутмайлик, имон-эътиқодли кексалар бўлмаган жойда яхши тарбияли ёшлар ҳам бўлмайди. Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшилик катталарингиз (кексаларингиз) билан бир-гадир» дедилар.

Кексаларимизга ғамхўрлик қилиш, уларни парвариш этиш ёшларнинг бурчи бўлиб, бунга

катта ажрлар берилади. Ҳади-си шарифда айтади: «Аллоҳ-нинг розилиги отанинг ро-зилигидан ва Аллоҳнинг ғаза-би отанинг ғазабидадир».

Пайғамбаримиз солла-лоҳу алайҳи васаллам мар-ҳамат қиладилар: «Мусулмон мўйсафидни, Қуръонда гулув ҳам қилмайдиган, бе-парволикка ҳам йўл қўй-майдиган Қуръон ҳофизини ва одил подшони ҳур-матлаш Аллоҳни улуглаш-дир». Ушбу ҳадиси шарифга кўра, соч-соқоли оқарган мўмин кишини ҳурматлаш Ал-лоҳни улуглашга кирар экан.

Кексаларни улуглашга уларни ҳурмат қилиш билан бир қаторда кексаларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиш, уларга маънавий, иж-тимоий, иқтисодий ва тиббий жиҳатдан эътибор кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш қабилар ҳам киради. Ҳадиси шарифда «Қайси бир ёш киши кекса инсонни икром қилса, у ёш кишига Аллоҳ таоло кекса-нинг ёшига етганида уни икром қиладиган кишини тақдир қилади» дейилган.

Динимизда кексалар ҳур-матланишининг амалий қури-нишларидан яна бири кичик-ларнинг катталарга биринчи

Одилхон қори ЮНУСХОН  
қори ўли,  
«Шайх Зайниддин» жомеъ  
масжиди имом-хатиби.

## Ҳамюртларимиз — Бутунжаҳон ёзги универсиада-сида

Кеча Жанубий Кореянинг Кванчжу шаҳрида талабалар ўртасида XXVIII Бутунжаҳон универсиада-сида бошланди

Ҳар икки йилда ўтказиладиган ушбу нуфузли мусобақада дунё-нинг 140 давлатидан ўн икки минг-дан ортиқ талаба-спортчи ишти-рок этади. Унда спортнинг йиги-рма бир тури бўйича 272 медаллар жамланмаси учун баҳс юритила-ди.

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидagi 31 на-фар талаба спортнинг академик эш-как эшиш, енгил атлетика, таэквондо (WTF), теннис, қиличбозлик, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика ва джудо турлари бўйича мусобақалар-да қатнашади.

— Мамлакатимиз талаба-спортчи-лари Бутунжаҳон ёзги универсиада-ларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб келмоқда, — дейди Ўзбе-кистон Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти Фарход Турдиев. — Жумладан, 2013 йили Россиянинг Қозон шаҳри мезбонлик қилган XXVII Бутунжаҳон универсиа-дасида ҳамюртларимиз 2 олтин, 7 ку-муш ва 10 бронза медални қўлга киритган. Бу галги Бутунжаҳон уни-версиада-си Ватанимиз спортчилари учун 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ўзига хос тайёргарлик ва-зифасини ўтайди. Давлатимиз раҳ-барининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спорт-чиларини 2016 йилда Рио-де-Жаней-ро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтади-ган XXII ёзги Олимпия ва XV Парла-

ментларнинг қўлига тайёрлаш тўғрисида»-ги қарори бунда муҳим дасту-риламал бўлмоқда. Мусобақага йўл олаётган барча спортчиларимиз голиб ва совриндорлар сафидан жой олишга астойдил бел боғлаганлиги мутахассис ҳамда мухлисларимизни қувонтиради, албатта.

Бутунжаҳон универсиада-сида май-донга тушадиган спортчиларимиз ора-сида Осие ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро мусобақалар голиб ҳамда совриндорларининг борлиги уларнинг ўз олдларига жиддий мақ-садларни қўйганларидан далолатдир. Жумладан, Александр Ким бош му-раббийлигида бахсларда иштирок эта-диган Ўзбекистон таэквондо (WTF) терма жамоасига мутахассис ва мух-лисларимиз катта ишонч билан қара-шапти.

Бу йил ҳаётимда унутилмас воқеалар кўп бўлмоқда, — дейди жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — Май ойида Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпио-натига +87 килограмм вазн тоифа-сида олтин медалга сазовор бўлдим. Сўнгга 26-28 июнь кунлари Мельбурн шаҳрида уюштирилган Австралия очик чемпионатида шо-хсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдим. Энди XXVIII Бутунжаҳон универсиадада Ватанимиз шара-фини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўряпман. Эришаётган ғалабаларим менга катта куч бағишлаш билан

биргаликда, зиммамдаги масъули-ятни ошириши табиий. Чемпионлик-ни қўлга киритишдан кўра, уни сақ-лаб қолиш кийинроқ, дейишди. Шу боис бахсларга пухта тайёргарлик кўрдик. Нуфузли мусобақада халқи-мизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-маҳоратимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Маълумот ўрнида шунга таъкид-лаш керакки, дунё мамлакатлари олий ўқув юртлари талабаларининг ўзига хос олимпиадаси сифатида эътироф этилаётган ёзги универсиа-дага 1959 йилда асос солинган. Бир йилдан сўнг киши спорт турлари бўйича ҳам талабалар ўйинларини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу нуфузли мусобақалар Халқаро университет спортлари федерацияси — FISU то-монидан ҳар икки йилда ташкил эти-лади.

Ўзбекистон спорт делегацияси эса 1999 йилдан бунён мазкур ўйинларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Спортчи-талабаларимиз ушбу нуфу-зли мусобақада ҳозиргача жами — ет-тита олтин, саккизта кумуш, ўн учта бронза медалга сазовор бўлишган. Ишонамизки, Кванчжу шаҳрида бош-ланган навбатдаги Бутунжаҳон ёзги универсиада-си бахслари Ўзбекистон талаба-спортчилари учун янада му-ваффақиятли бўлади.

Эркин ХОЛБОВО,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ОГОҲЛИК!

Ҳозир аини ёз чилласи. Жазирама кунларда, табиийки, очик сув ҳавзалари, қўллар, ариқ ва каналлар одатдагидек чўми-лувчилар билан гавжум бўлади. Ёз мавсумида қутқарувчи-ғаввосларимизнинг масъулияти ҳар қачонгидан ошади. Ўзбе-кистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг маълумотига кўра, мамлакатимиз ҳудудида ҳаво ҳарорати меъёр атрофида ва ундан юқори бўлиши қўтилоқда. Шу боис Фав-қуллода вазиятлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимларида хиз-мат қиладиган қутқарувчи-ғаввослар аини пайтда куну тун навбатчилик қилишяпти.

## Эҳтиёт бўлинг!

Таъкидламоқ жоизки, ФВБ тизимининг асосий бўғинлари-дан бири — сувда қутқарув гу-руҳи бир неча йиллардан бунён самарали фаолият кўрсатиб келаяпти.

Ҳаввослик касбининг ўзига хос масъулияти ва машаққат-ли жиҳатлари бор.

Ҳаввос сувга чўкаётганлар-ни қутқариб қолишдан ташка-ри, тез тиббий ёрдам кўрса-тиш кўникмаларини ўзлаштириб олган бўлади. Аини кунларда Фавқуллода вазиятлар вазирли-ги қошидаги Тез ҳаракат қилув-чи республика кўп тармоқлик маркази, Чирчиқ шаҳридаги Махсус тезкор ҳаракат қилувчи отряд, Тошкент шаҳар ФВБ «Сувдан қутқарув гуруҳи» ҳамда ҳудудий бошқармаларда иш олиб бораётган ғаввослар сув ҳавзаларида навбатчиликни ал-лаҳачон бошлаб юборганлар. Сувда чўкиш билан боғлиқ бўлган нохуш ҳолатларнинг ол-дини олиш мақсадида ҳар йили мавсумда одамлар гавжум бўл-ган чўмилиш масканларида сув-



дан қутқариш хизматининг транспорт воситалари, моторли қайиқлари, тезкор алоқа шай ҳолатга келтирилади. Шубҳасиз, фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бу сый-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бер-моқда. Бирок шунга алоҳида таъ-кидлаш керакки, синалмаган жойда чўмилмаслик, таваккал қилмаслик лозим. Ота-оналар эса фарзандларига керакли мас-лаҳатни бериши ва уларни назо-рат қилиши талаб этилади.

Азамат СҮЮНОВ,  
журналист.

## СПОРТ

## Яна икки учрашувдан сўнг

футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати биринчи давра баҳслари якунланади

Ўн бешинчи тур ўйинларида мавсум аутсайтери «Бухоро» жа-моаси чемпионатдаги илк ғала-басини қўлга киритди. Жиззах-нинг «Сўғдиёна» футболчилари-ни қабул қилган бухороликлар 86-дақиқада Сўхроб Неъматов киритган ягона гол эвазига му-ҳим уч очкога эга бўлди.

Энг йирик ҳисоб эса Тош-кентда «Локомотив» — «Навба-ҳор» жамоалари баҳсида куза-тилди — 5:1.



Турнинг қолган учрашувлари-да қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Шўртан» — «Метал-лург» — 0:3, «Андижон» — «Пах-такор» — 0:1, «Қизилқум» — «Нефтичи» — 0:0, «Қўқон-1912» — «Бунёдор» — 0:1, «Насаф» — «Машъал» — 3:0, «Олмалик» — «Динамо» — 3:0.

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси қарорига кўра, биринчи давранинг қолдирилган икки учрашуви 5 ва 6 июль кун-лари бўлиб ўтади. Унда «Қўқон-1912» — «Пахтакор», «Бунёдор» — «Шўртан» жамоалари ўзаро куч синашади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,  
ЎзДЖТУ талабаси.

| ОБ-ҲАВО                                        | 04-05.07 — 2015 |
|------------------------------------------------|-----------------|
| Юртимиз бўйлаб (°C)                            |                 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +23 / +28       |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари                    | +25 / +30       |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +22 / +27       |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари               | +25 / +30       |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари          | +22 / +27       |
| Тошкент шаҳри                                  | +25 / +27       |
| Дунё бўйлаб (°C)                               |                 |
| Лондон                                         | +29 / +25       |
| Париж                                          | +33 / +30       |
| Москва                                         | +31 / +26       |
| Мадрид                                         | +38 / +39       |
| Пекин                                          | +27 / +29       |
| Канберра                                       | +11 / +12       |
| Рим                                            | +34 / +34       |
| Афина                                          | +30 / +31       |
| Токио                                          | +25 / +25       |
| Стокгольм                                      | +27 / +24       |
| Кейптаун                                       | +19 / +18       |
| Қоҳира                                         | +35 / +36       |

|                     |                  |                                      |
|---------------------|------------------|--------------------------------------|
| Abdulla OROPOV      | Ulug'bek         | Saidahmad RAHIMOV                    |
| Hotamjon KETMONOV   | MUSTAFOYEV       | Farrux HAMROYEV                      |
| Ulug'bek VAFOYEV    | Muslihidin       | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV      | MUHIDDINOV       | Tat'yana KISTANOVA                   |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochilboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari)          |